

Юртимизнинг бир гуруҳ уламулари кўкрак нишони билан тақдирландилар



18:30 / 28.04.2021 1952

Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрда «Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган эди. Мазкур фармонга мувофиқ, «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони таъсис этилди. 2021 йил 26 апрель куни матбуотда ушбу мукофот билан тақдирланганлар рўйхати эълон қилинди. Мукофотланганлар орасида:

- Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ҳазратлари биринчи даражали;

- Тошкент шаҳридаги «Бурҳониддин Марғилоний» жоме масжиди имом-хатиби Абдулхамид домла Турсунов, Тошкент вилоятидаги «Ҳасанбой ота» жоме масжиди имоми Яҳё қори Турдиев, Бухоро вилоятидаги «Баҳоддин Нақшбанд» жоме масжиди имом-хатиби Абдуғофур домла Раззоқов иккинчи даражали;

- Самарқанд вилояти Ургут тумани бош имом-хатиби Шоди домла Ҳақбердиев учинчи даражали «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони соҳиби бўдилар.

Манба: muslim.uz